



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги.

№ 8399-7365-а804-3706-аа50-6715-0397
Хужжат яратилинган сана: 2024-01-17
Ариза рақами: 108468459

Хужжат берилган: "GREAT HOUSE ESTATE GROUP"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
СТІР: 206590555

**Бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва
иншоотларни қуриш учун
РУХСАТНОМА**

17.01.2024 21:45 даги 1730401-151359-сон

1.	Кўриб чиққан ташкилот:	Фарғона шаҳар қурилиш ва уйғжой коммунал хўжалиги бўлими
2.	Мулкдорнинг номи:	"GREAT HOUSE ESTATE GROUP" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
3.	Объектнинг ишлар бажариладиган қисми:	Қисман
4.	Объект номи:	нотураp
5.	Объект манзили:	Navro'z MFY, Murabbiylar ko'chasi, 4-uy
6.	Объектнинг ер майдони:	31231.52 м2
7.	Объектнинг қурилиш майдони:	27000 м2
8.	Кадастр рақами:	15:20:01:03:02:0534

9.	Қуйидаги ишларни бажариш учун рухсат берилди:	Ўзига тегишли бўлган мавжуд бино ва иншоотларни бузиб, ўрнига 16 та 16 қаватли биринчи қаватлари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, қолган қаватларида турар жой биноти, мактабгача таълим муассасаси қуриш, эр ости ва эр усти автотураргоҳ, болалар майдончаси ташкил этиш ҳамда туташ ҳудудларни обонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришни лойихалаштиришга (иззоҳ “Ўзбекистон шаҳарсозлик бўйича бош лойиха илмий-тадқиқот институти” давлат муассасаси фарғона шаҳар бош режаси муаллифи “O‘ZSHAHARSOSOLIK LITI”нинг 2023 йил 6-декабр кунги 1-07/1467 сонли хулосасига асосан) (Эслатма: Архитектура ва шаҳарсозлик кенгашининг 11.01.2024 йил кунги 2-сонли ижобий хулосасида белгилаб берилган талаб ва шартларга амал қилишлик, Шаҳарсозлик кодексининг 11-моддасига асосан Атрофдаги турар ва нотурар объект эгаларига ноқулайликлар етказмаслик ҳамда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилсин ҳамда атрофдаги турар ва нотурар объект эгалари билан келишилсин,(АРТ) архитектура режалаштириш топшириғи тўплами ишлаб чиқиши таъминлаш; Бинони реконструкция қилиш ҳамда янги бино ва иншоот қуриш учун махсус лицензияга эга лойиха ташкилоти томонидан тайёрланган лойиха ҳужжатларига амал қилишлик; Лойиха ҳужжатларини Фарғона вилоят Қурилиш Бош Бошқармасида кўриб чиқилган Архитектура шаҳарсозлик кенгашига тақдим қилишлик; (ваколатли органлар билан келишиш) Қурилиш ишларини бошлаш учун Фарғона вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси рўйхатидан ўтиб, тегишли рухсатнома олиш; қурилиш ишларини амалга ошириш жараёнида шаҳарнинг тегишли корхоналари томонидан берилган хулоса, техник шарт ва мажбуриятларни тўла миқдорда бажариш ҳамда атроф ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш). Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ва бўлим томонидан қўйилган талаб ва шартлар бажарилмаган тақдирда шаҳарсозлик нормалари бузилган деб топилиб ушбу рухсатнома ўз кучини йўқотади.
10.	Мутахассис:	Л.Ғуломов
11.	Архитектура шаҳарсозлик кенгаши баёнининг рақами:	2
12.	Архитектура шаҳарсозлик кенгаши баёни берилган санаси:	11.01.2024



Рухсатнома олингандан сўнг қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан олдин:

1. Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш.
2. Лойиҳа ташкилоти томонидан тайёрланган лойиҳа ҳужжатларини қурилиш органлари билан келишиш. Бунда:

нотурар бино ва иншоотлар 300 метр кубдан ортиқ бўлганда, яқка тартибдаги турар жойлар икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) 500 кв.метрдан ортиқ бўлганда:

- а) объектнинг зилзилага бардошлилиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича лойиҳавий ечимлари тўғрисида экспертиза органларидан ижобий хулоса олиш;
- б) Қурилиш соҳасида назорат бўйича ҳудудий инспекциялардан қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш.

3. Бино ва иншоот қуриб битказилгандан сўнг кадастр паспортини расмийлаштириш, қурилиш-монтаж тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш ҳамда унга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилади.

Изоҳ. Мазкур рухсатнома қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун асос ҳисобланмайди.

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини gero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини киритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

8921

